## Ҳушёр элнинг — юрти тинч

# ҚИММАТГА ТУШГАН ЁЛҒОН

**Бу воқеага бир йилдан ошди. Тарихнинг эскирган варағига "1999 йил 16 май. Қора кун" дея битилган сўзлар кимларнингдир ғамбода кўнгилларидан нари кетганича йўқ. Оналари йиғлаган, оталари тунларни унсиз аламлар ичра тонгларга улаган ўн етти йигит — ўн етти мурда ётган тепаликни ёдда тутганча ҳали-ҳануз гапирадилар: "Бу ҳақда ёзиш, сўзлаш лозим. Токи, одамлар ҳушёр тортсинлар. Теварак атрофларида нималар бўлаётганлигини билсинлар, фарзандларини қабиҳ йўлдан қайтарсинлар, адашганларга инсоф тилаб, юртга тинчлик тиласинлар".**

***Сиз қуйида танишадиган воқеа ҳам ўтган кунлардан қолган қайғули ҳикоят...***

*Қишлоқ йўлида ўйнаётган болалар бирдан хавфдан хабар топган чумчуқ галасидай ҳар томонга тўзиб кетишди. Хиёл ўтмай биров кўча эшик тирқишидан, бошқаси пахса девор туйнугидан, яна бири дарахт шохлари орасидан мўралаб қараб турарди. Гўё, улар бекинмачоқ ўйнашяпти-ю, кўзларини юмиб деворга суяниб турган бола ўртоқларини топиши керакдай. Бир... икки... уч.... Қишлоқ болалари негадир жимиб қолишди. Тупроқли, тошли йўлда ҳеч ким кўринмайди. Эгри-бугри деворлардан ошиб ўтишмайди ҳам. Ё тавба! Нима бўлдийкин? Яна жангарилар тўдаси қишлоққа кириб келаётган бўлса-я. Худди ўтган йиллардагидай... ҳали-замон отишмалар бошланиб кетса, ким қаёққа қочади, кимнинг шўри қурийди? Қийин, қийин болалар, кексалар, хотин-халажга қийин! Ўзини тутиб олганлар, билагида кучи борлар эвини қилишар.*

*Сочлари ўсиб кетган, энгил бошлари чанг-тупроқ уч-тўрт тожик боласи қари тут дарахти орқасида пусибгина ўтиришибди. Бирининг оёғида эски кавуш бўлса, иккинчисида оғзи очиқ ботинка. Учинчисида на униси, на буниси бор. Яқин ўртада тўйиб нон емаганликлари киртайган кўзларидан билиниб турибди. Энг кичигининг ёши ўнларда. Қолганлари ўн икки ё ўн уч ёшларда. Акаларидан қолган эски йиртиқ-ямоқ камзуллар, кўйлак, шимларда юрган бу болакайлар ҳам худди катталардай ўқ овозларини эшитишган, ҳатто отишмаларни ҳам кўришган. Баъзилари ўлган от ё эшак қаторида инсон жасадларига кўзлари тушиб, эслари оғаёзганди.*

*Қўрқув уларни ҳушёр торттиради. Узоқ йиллардан бери тўхтамай келган биродаркушлик уруши тоғли тожикларнинг тинкасини қуритиб юборганди.*

*Ақл бовар қилмайди. Жаҳонга улуғ Фирдавсий, Рўдакийларни берган донишманд тожик халқи тупроғида бу кун осойишталик йўқ. Оддий қишлоқ аҳли осойишталикнинг нималигини ҳам унутиб юборишган.*

*Дард устига чипқон. Болалар беҳудага биқиниб олишмаган экан. Неча йиллик биродаркушлик урушлари камлик қилгандай, Хоит қишлоғида аллақандай қароргоҳ пайдо бўлибди. Қуролли кишилардан иборат "устозлар", кунда отиш, чопиш, муштлашишдан сабоқ ўтказишади. Баъзида қулоқни қоматга келтириб ўқ отилган чоғида тожик болалари уй-уйларига чопиб қоладилар. Баъзилари ҳарбий ё ярим ҳарбий, ёхуд бутунлай фуқаро кийимидаги бу соқолли йигитлар кимлар? Улар қаердан пайдо бўлиб қолишди? Катталар ҳайрон. Ёшлари ўн саккиз, йигирма ва ё нари борса, ўттизни қоралаган бу йигитларнинг ҳарбийдан сабоқ олишларидан мақсад-муддао нима?*

*Табиийки, бундай саволга маҳаллий оддий фуқаро жавоб топа билмас. Жавоб топиш учун эса гапни аввал муҳарририятга келган мана бу мактублардан бошласак.*

**БИРИНЧИ МАКТУБ.** У шундай сатрлар билан бошланади: "1998 йилнинг август ойи эди. Одилбек деган дўстимизнинг уйида яшаб юрган кезларимда Саъдулла Бобожонов деган кимса келиб, менинг диний таълимга муҳтожлигимни, агар хоҳласам, шундай илм берадиган жойга олиб боражаклигини айтди. Ҳақиқатда таълимга, илмга муҳтож эдим. Рози бўлдим. Учрашадиган вақтни келишдик. Айтилган кун ва соатда Саъдулла келди ва мен билан яна бир неча йигитни Тожикистоннинг Хоит қишлоғига бошлаб борди. Сўнг бизни Абдували Йўлдошев деган наманганлик йигитга топширди. Уни бу ерда Абдулазиз деб аташаркан. У ниҳоятда қўрс, баджаҳл ва ҳаммага сўзини ўтказа оладиган экан. Унинг бошқалар билан муносабати ёмон эди. Бизга икки-уч кунлик дам беришди. Чунки, тоғ сўқмоқлари оша юравериб тоза тинкамиз қуриган эди. Сўнг машқлар бошланиб кетди. Аммо биз кутган диний таълим эмас, ҳарбий таълим. Диний сабоқ мутлақо йўқ экан. Маълум бўлдики, бу ерда одам ўлдириш ўргатиларкан. Яна ҳам аниқроғи, ўз юртимизга қарши қурол кўтаришдан дарс беришарди. Шу зайлда кунлар ўтаверди. Оч-наҳор, юпун ва кир-чир аҳволда яшаш жонга тегди. Ўзбекистонга, Ватанга қайтиш истаги устун чиқди. Биз қайтишга қарор қилдик.

1999 йилнинг 16 май куни тонг саҳарги соат бешларда биз йўлга чиқдик. Гуруҳимиз 9 кишидан иборат эди. Улар мени тоғ йўлларини билганим учун йўлбошчи қилиб сайлашди. Тоғ йўллари машаққатли, сўқмоқлардан ошиб ўтиш қийин. Аммо, юртга қайтиш истаги ана шу қийинчиликларни енгиб ўтишда куч берарди. Эрталабки соат еттилар чамасида бизни "Нива" маркали автомашина қувиб ўтиб кетди. Унинг ичида Абдулазиз, Билол, Додар деган тожик йигити, яна Сайфулло, Юсуф, Юнус деганлар — жами беш-олти нафар қуролли мужоҳидлар бор эди. Улар бизни тўхтатадими, деб ўйлагандик. Лекин негадир, тўхтатишмади. Ўтиб кетишди. "Ўзларининг ишлари билан кетишаётгандир-да", деган хаёлга бордик. Орадан беш-олти соат чамаси вақт ўтганда, ниҳоят Жаъфар деган қишлоққа кириб бордик. Маҳаллий тожиклар: "Ҳозир бу ерда ўзбек ўзбекни отди", -дейишди. Биз ишонмадик. Шунда улар яна: "Қолинглар, сизларни орқага қайтариб юборамиз", дейишди. Биз: "Йўқ, бизга буйруқ берилган. Йўлимизни давом эттирамиз" - деб уларни алдадик. Қишлоқдан 400 метрча нари чиққанимизда йўлда қон изларини кўрдик. Ростдан ҳам отишибди, -деган ўйга бордик. Сўнг йигитларни шоширдим. Тезроқ юрайлик, бўлмаса, бизга етиб олишади.

Аммо, Ўзбекистонга ўтиб кетолмадик. Бизни орқага қайтариб юборишди. 16 май куни юз берган воқеада ўзбекистонлик адашган 17 йигитни Абдулазиз тоғда отиб ташлаган экан. Нега отди? Уйларига, Ватанга, ота-оналари бағрига қайтиб кетаётганликлари учунми? Айблари гуноҳларини бўйниларига олиб, тавба қилиб Ватанга қайтаётганликларимиди? Биз шу ердаги қўмондонлардан юртдошларимиз қабрини кўрсатишларини талаб қилдик. Бироз вақт ўтгач, улар рухсат беришди. Биз улар кўмилган тепаликка бордик. Маҳаллий тожик болаларининг айтишича, қўмондон Абдулазиз Ватанига қайтиб кетаётган ўн етти йигитни отиб ташлагандан сўнг, КАМАЗга юклатиб, мурдаларни шу тепалик орқасидаги чуқурликка мусулмон қонун-қоидаларига риоя этмай, жаноза ўқиттирмай кўмдириб юборган экан. Биз тепаликни очиб, уларни танидик. Ўн етти нафар ўзбекистонлик йигитлар. Биз каби алданиб Хоит қишлоғига Абдували Йўлдошев сингари қонхўрлар панжасига топширилган йигитлар. Улар Тошкентдан, Хоразмдан, Фарғонадан, Навоийдан эдилар. Бу йигитлар Ўзбекистон Президенти алданиб кетганлар учун умумий авф эълон қилингандан сўнг айбдор эканликларини бўйинларига олиб, юртга қайтишаётганди. Абдулазиз ва унинг шериклари бунга йўл қўйишмади. Ҳаммасини отиб ташлаб, мусулмончиликка зид тарзда, итнинг ўлигидай хор қилиб ташлаб кетди.

Мен қўлимга қурол тутганимдан минг бора пушаймонман... Кечиринглар..."

**Адашган ҚУДРАТ**

**ИККИНЧИ МАКТУБ.** Бугуннинг ношукурлари очлик ва муҳтожлик нималигини тожик болалари, қарияларидан сўраб билишсин. Ота уйи дастурхонига қаноат қилмай, ўзгаларнинг жаннатмакон роҳат-фароғати ҳақидаги қуруқ ваъдаларига учиб, қўшни Тожикистоннинг Хоит қишлоғига борганлар у ердаги чинакам аҳволни кўрганларидан сўнг катта хатога йўл қўйганликларини англаб етишди. Ота юртга қайтиш истаги уйғонди. Адашганлар, манфур мақсадли кишилар ёлғон-яшиғига учиб, йўлдан озганларни авф этиш борасидаги овозалар қулоқларига етиб боргач, бу истак айниқса ота-оналар, жигарбандларини ҳам оёққа қалқитиб юборди. Бу ҳақда адашганнинг акаси Икром Матназар ўғли (илтимосига кўра исми-шарифи ўзгартирилди) шундай ҳикоя қилади:

"Мен 1999 йилнинг май куни отамиз билан маслаҳатлашиб, укаларимни олиб келиш учун Тожикистон Республикасининг Хоит қишлоғига йўл олдим. Сўраб-суриштириб у ердаги қароргоҳга бордим. (Мақсадим, Президентимизнинг авф этиш қарорларидан сўнг оиламиз шаънини, ор-номусимизни ўйлаган ҳолда укаларимни олиб келиш эди).

12 май куни жуда катта қийинчиликлар билан Хоит қишлоғига бордим. Душанбе шаҳридан 300 километр нарида юз километрдан сўнг икки юз километр ичида 25 та постни босиб ўтиб, ниҳоят, Хоит қишлоғидаги ҳарбий қароргоҳга айлантирилган трактор саройига етиб келдим. Дарвоза олдида иккита қуролли соқчи мени тўхтатди. Уларнинг биридан укаларимни сўрадим. "Бор", деган жавобни олдим. Катта укам Баҳодир Матназаров мени кўриб қолиб, қучоғимга отилди. Биз қучоқлашиб кўришдик. Шунда у қулоғимга пичирлаб: "Олиб кетаман, деган гапни айтсангиз, сизни ҳам, мени ҳам омон қўйишмайди" -деди. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг кичик укамни сўрадим. Уни бундан 20-22 км. наридаги Чусал деган жойда эканлигини айтди. Мен ва укамга битта қуролли одамни қўшиб юборишди. Чусалга келганимизда бизни 25 тага яқин қуролли одам қуршаб олди. Биз уч ака-укани холи суҳбатлашиб олишимизга йўл беришмади. Укаларим Ўзбекистондаги аҳволни сўрашганда, мен Президентимизнинг алданиб кетган йигитларни кечириш тўғрисидаги қарорлари чиққанлигини, тўсиқлар олиб ташланганлигини, айбдорлар авф этилишини айтганимда , орқамда автомат затвори шарақлади. Шунда бу ердан уйга қайтишга йўл йўқ эканлигини тушундим.

Гапни бошқа ёққа буриб, агар имкон бўлса, бу ерга уларнинг оилаларини ҳам олиб келишим мумкинлигини айтиб уларни чалғитдим.

Бу ердаги йигитларнинг ҳаммаси уйга - ота юртга қайтиш истагида эканлиги юз-кўзларидан сезилиб турарди. Уларнинг аҳволи оғир эди. Озиқ-овқат масаласи гоҳида бўлиб, гоҳида бўлмас, очликдан рўза ҳам тутишар экан. 70 фоиздан ошиқ йигитнинг оёғидаги кийими соғ эмас. Шунда менга бир йигитни "мунофиқ" деб икки суткадан бери ош-овқат бермай, хандаққа ташлаб қўйишганликларини айтишди. Хайрлашиш пайтида укаларим, бу ердан қочиб кетамиз, деб кўнглимни кўтаришди.

12 май куни орқага қайтдим. 15 майда эса уйга кириб келдим. Эртасига укаларим қароргоҳдан қочишибди...".

**УЧИНЧИ МАКТУБ.** Баҳодирнинг дўстларига айтиб берган ҳикоясидан: "Менинг Хоит қишлоғига, жангарилар қароргоҳига тушиб қолишимга Саъдулла Бобожонов деган йигит сабабчи бўлган. У 1998 йилнинг август-сентябрь ойларида олдимга келиб, диний таълим олиш ниятим борлигини сўраб билгач, "Шундай жойлар бор, хоҳласангиз ўн беш-йигирма кунга бориб кўрасиз, ёқмаса қайтиб келаверасиз" -деди. Ёқса, илм олишни давом эттираверар эканман. Рози бўлдим. Бир гуруҳ йигитлар йўлга тушдик.

Бизнинг Тожикистонда, Хоит қишлоғида Абдулазиз деган киши кутиб олди. Бир-икки кун дам олдик. Дастлаб диний сабоқ олгандек бўлдик. Ўн-ўн беш кундан кейин таълимгоҳга юборамиз, дейишди. Паспортларимизни олиб қўйишди. Айтганларидай таълимгоҳга юборишди, лекин у ерда диндан эмас, қуролдан дарс беришди. Мен касаллигим туфайли қайтиб келдим. Охиригача дарс олмадим.

Қайтиб келгач, бу ердан кетиш пайига тушдик. Лекин пулларимиз, ҳужжатларимизни олиб қўйишган, кетолмасдик. Май ойида акам олдимга келганида, унга яқин кунларда уйга кетишимизни айтдим. Ҳужжатларни олмасдан кетишга қарор қилган эдик. 15 майда укам олдинги сафда йўлга тушган. Мен кейинги сафда эдим. Улар ўн етти киши — қуролларини топширишган. Кетишаётганда Абдулазиз одамлари билан орқасидан қувиб етиб бориб, орқага қайтинглар, деган. Укаларим кўнишмаган. Шунда Абдулазиз уларни бошларидан отган. Ваҳшийларча, одамни кўмадиган қилиб эмас, шундай чуқурчага ташлаб-ташлаб кетаверган. 9-10 кун ўтгач, мен қароргоҳдан қочиб кетдим. Яқинда уйга келдим. Кечиришди".

**ТЎРТИНЧИ МАКТУБ.** М.Хўжамурод ҳам дардини айтади: "Мени ҳам Саъдулла Бобожонов 1998 йилнинг 8 сентябрида бухоролик Нодир деган бола билан Тожикистонга жўнатди. У ёқда диний таълим оласан, Қуръон ўқишни, арабчани ўрганасан, ойига 100-200 доллардан пул оласан. Узоғи билан бир-икки ойда қайтасан. Еб-ичишинг мўл бўлади", -деди. Ишондим. У ёққа борсак, қаёқда, на пул бор, на озиқ-овқат, ҳеч нарса йўқ. Ҳарбий лагерга жўнатди. Диний илм ўрнига қурол ишлатишни ўргатди. Кетаман деганни бочканинг ичига қамаб азоблайди, отаман, деб қўрқитади.

16 май куни кетамиз, деб йўлга тушдик. Биздан олдин ўн етти йигит йўлга тушганди. Уларни Абдували Йўлдошев бошчилигида Додар, Билол, Жума Ҳожиевнинг қариндоши, наманганлик Юсуф, Юнус, Сайфулло деганлар ваҳшийларча отиб ташлашди. Отганда отибди, нега энди жабҳага олиб бормай, ғишт тахлагандай кийим-кечаклари билан чуқурликка ташлаб кетаверган. Бизга уч-тўрт кундан кейин кўрсатди. Жасадлар чирий бошлаган экан. Бир ўқдан ўлмай, ярадор бўлган йигитларни яна қайтадан бошларидан отишибди. Шу ернинг аҳолиси, ҳатто болалар кўришибди. Улар биринчи гуруҳ эди. Биз орқасида эдик. Шу қишлоқнинг ёш болалари, чоллари айтди. "Қайтинглар, бўлмаса сизларни ҳам отишади", дейишди. Бизни Гарм деган жойда тутиб олиб, орқага қайтаришди. Шайх деган тожик қўмондон қўлига топширишди".

*Ислом динида худони ўртага қўйиб алдаш, ёмон йўлга бошлаш, айниқса, одам ўлдиришдай жиноят кўчасига бошлаш катта гуноҳ дейилган. Аллоҳ бегуноҳ кишилар қонини тўкканларни, қўлини қонга ботирганларни сира кечирмайди. Қотиллик қилганлар дўзах азобига учрагайлар.*

*Аждодларимиз гуноҳлар ичида ўз туғилиб ўсган юртига хиёнат қилган, унга қарши қурол кўтарганларни кечирмаганлар. Сотқинлар қаттиқ жазоланганлар. Айби, гуноҳига астойдил иқрорлик билдириб бош эгганлар, тавба қилиб эл-улус олдида гуноҳидан кечишликни сўраганлар, авфу этилганлар. Энди шу онда бир дамга ўтган йилнинг 16 февралида Тошкентда рўй берган фожеаларни хотирингизга келтириб кўринг. Ўшанда юз берган бир қанча портлашларда қанчадан-қанча кишилар азият чеккан, бегуноҳ одамлар қурбон бўлган эди. Кимлардир отаси, онасидан, кимлардир азиз фарзандларидан айрилганди. Бундай жиноятга қўл урганлар топилиб, жазоланишди. Аммо уларнинг чет элга қочиб кетишга улгурган ҳомийлари эса ҳамон Ўзбекистоннинг тинчлиги, эл осойишталигини бузиш, пароканда қилиш ниятларидан қайтганларича йўқ. Улар қабиҳ ниятларини соддадил ёшларни алдаш, йўлдан уриб ўз тузоқларига илинтириш ҳамда улардан қуролли тўдалар ташкил этиш билан амалга оширишга уринаётирлар. Диний сабоқ бериш баҳонасида йигитларни ўз ота-онаси бағридан алдаб олиб кетаётган ақидапарастлар уларни қонхўр жангариларга айлантириш йўлида бутун чораларни ишга солаётирлар.*

*Мустақиллик яратиб берган шароитлардан фойдаланиб, диний илм олиш иштиёқида Тошкентга келувчи ёшлар кам дейсизми? Афсуски, уларнинг кўплари куни кеча ўрта мактабни тамомлаган, ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган содда йигитлар. Эгнида салла-чопон-у, аслида юраги қора ниятлар билан тўлиб-тошган, бугунги Ўзбекистонни кўролмай, унинг истиқбол йўлидан тойдириш ҳаракатида юрганлар ҳам кам эмас. Улар "пес пес билан қоронғуда топишибди", дегандаридай, мамлакат ҳудудидан ташқари овлоқ жойларда топишиб, ўзларининг қабиҳ режаларини амалга ошириш ҳаракатида юрибдилар. Ана шундай овлоқ жойлардан бири Тожикистоннинг Гарм туманидаги Хоит қишлоғи. Мазкур тоғли ҳудудда Жума Ҳожиев тўдаси танда қўйиб олган эди. Қуролланган жангарилар тўдаси динни ниқоб қилиб олиб, ёш йигитларни тўғри йўлдан урадилар, қўлларига қурол тутиб, ўз юртларига қарши ўқ узишдан сабоқ берадилар. Бу ишда уларга Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида "соф ислом"га қайтиш ниқоби остида изғиб юриб, варақалар тарқатаётган, бўлмағур иғволарни тўқиш билан машғул кимсалар ёрдам бераётирлар.*

*Бир кишини алдаб, қинғир йўлга солиш мумкин. Лекин халқни, унинг қалби ёшлик орзу-ҳаваси билан покиза туйғулар ила йўғрилган фарзандларини ҳаммасини алдаш мумкин эмас. Афсуски жангарилар йўлбошчилари бундай ҳолга бефарқ қараб туролмасдилар. Тоҳир Йўлдош, Абдували Йўлдошев ҳамда Жума Ҳожиевларнинг қора ишлари жаҳон жамоатчилигига ошкор этилишидан чўчиб, жангариларнинг қароргоҳидан яширинча чиқиб кетган ўн етти нафар бегуноҳ йигитни тоғда отиб ўлдирдилар ва мурдаларини очиқ чуқурликка ташлаб кетдилар. Ўн етти нафар йигитнинг ваҳшийларча ўлдирилиши воқеасини маҳаллий тожик болалари, қариялар кўриб туришган эди. Қора кучлар ўз қилмишларини сир тутолмадилар. Воқеа бутун дунёга маълум бўлди.*

*Шу ўринда савол туғилади: Аввало чинакам мусулмон киши ўз қавмини ўлдирадими? Агар ўлдириши мумкин бўлса, Қуръони каримнинг қайси ояти ва сурасида кўрсатилган? Мусулмон ҳеч бир замонда мурдани таҳқирлаганми ёки қарға-қузғунларга емиш этиб ташлаб кетганми?*

*Ушбу саволларга жавоб топилгунча, биз ўзларини ислом динининг чинакам тарғиботчилари этиб кўрсатишга уринаётган Тоҳир Йўлдош ва Жумабой Ҳожиевларнинг қўлларидан қотиллик, террорчиликдан бўлак жиноий иш келмаслигини айтиб ўтмоқчимиз. Тарих уларнинг қора қилмишларини ҳеч қачон оқламайди.*

*Бугунги кунда Хоит, Гарм қишлоқларида жимжитлик. Гўё ёвузларча ўлдирилган ўн етти нафар йигитни эслашаётгандай. Умрида жуда кўп аңдуҳларни кўрган қари тут дарахти ҳам шохларини эгганча: "Одамлар! Ҳушёр бўлинглар! Ўз болалaрингизни, ўз уйингизни ёмон кўзлардан асранглар!" деяётганга ўхшайди. Ёвуз кучлар бор экан, биз ҳамиша ҳушёр бўлмоғимиз зарур. Шунда юртимиз тинч, фарзандларимиз хатардан холи бўладилар. Шуни унутмайлик.*

**Қодир СУЛАЙМОН**

